



Мулоҳаза

ХУҚУҚ ВА МАТБУОТ

МММда бўлиб ўтган анжуман мазкур масалага бағишланди

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари қай тарзда йўлга қўйилмоқда? Умуман ҳуқуқий тарбия ва байроқнинг хатти-ҳаракатлар олдини олиш тизими ҳамда муҳтарам Президентимиз таъмал тошини қўйган жамиятни эркинлаштириш тамойиллари қай тарзда ҳаётий ҳақиқатга айланиб бормоқда?

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани айнан шу масалага бағишланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Республика Миллий маркази раиси Акмал Саидов ҳамда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман Сайёра Рашидова кўпчиликнинг диққат-эътиборида турган саволларга жавоб беришди.

Яқинда Ўзбекистон томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига мамлакатимизда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактининг бажарилиши тўғрисидаги баёноти тақдим этилди. Миллий матбуот марказидаги учрашувнинг ўтказилишига қайсидир маънода мана шу воқеа ҳам туртки бўлди. Анжуманда таъкидландики, БМТ мазкур маърузага катта қизиқиш билан қараб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишга доир ишларга ижобий баҳо берган. Хусусан, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг шаклланиши, қабул қилинаётган қонунлар барча халқаро ҳуқуқ нормаларига жавоб бериши, Республикада бошқарув ва иш юритишнинг давлат тизимидан нодавлат ташкилотлар тизимига ўтказиш босқичма-босқич тарзда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланган. Нью-Йоркда чиқарилган асосий ҳулосалар эса мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий тафаккурини янада ошириш

зарурати ҳамда қонунларни қабул қилиш — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги биринчи қадам эканлигига тегишли бўлибди.

— Аслида инсон ҳуқуқларини ҳеч бир давлатда тўлиқлигича таъминлаш имконияти мавжуд эмас, — деди А.Саидов нутқини давом эттирар экан. — Ўзбекистонда ҳозирги кунда инсон ҳуқуқларини тўла муҳофаза қилиш борасида бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Буни хоҳлаймизми-йўқми, тан олиш лозим. Бунга, энг аввало, ўтиш даври ҳамда минтақада юз бериб турган беқарорликлар сабаб бўлмоқда.

Сайёра Рашидова Омбудсман тарихи ва Мониторинг институтига келган шикоятларга тўхталиб ўтганидан сўнг анжуман янада қизгин тус олди. Саволлар асосан чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан берилди. Хусусан, РАТА—ТАСС мухбири мамлакатда бошлаб юборилган суд реформаси ва нодавлат ташкилотларини тузиш тартиби билан қизиқди. "Озодлик" радиосининг тожик хизмати ходими эса, мамлакатимизда фаолият юритаётган баъзи нодавлат ташкилотларининг давлатимиздаги воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги талқинларига Ўзбекистон ҳукуматининг муносабати билан қизиқди.

Акмал Саидов баёнотида кўра, баъзи нодавлат ташкилотларнинг "мустақил текширувлари" кўпинча исботланмаган маълумотларга асосланган бўлади ва уларни тарқатиш остида қимнингдир шахсий, гаразли манфаатлари ётади. БМТдаги учрашувдан сўнг эса Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги баёноти жаҳон ҳамжамиятини чалғитишга қаратилган, деган изоҳлар ҳам пайдо бўлибди. Ваҳоланки, мазкур маъруза Республикада ҳуқуқни муҳофаза қилиниши тўғрисидаги йирик ва аниқгина ишонарли манба ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати ва расмий

Динора ДУЛТАЕВА, толиба

идоралари ҳар қандай ташкилот ва журналистлар билан доимо очик мулоқотга тайёр эканлигини нотиж алоҳида таъкидлаб ўтди.

Албатта, Ўзбекистондаги расмий доиралар ҳар доим ва ҳар ким билан очик мулоқотга тайёрлигини ҳеч ким инкор этмайди. Ҳар ҳолда қонунларимизда ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари таъминлаб қўйилган. Бироқ малакали халқаро журналистларга бўлган эҳтиёжнинг етарли даражада қондирилмаганлиги шу ўринда ҳам панд бериб турганини кўриш қийин эмас. Дунёда ҳар кун, ҳар сорада сонсиз-саноксиз воқеа-ҳодисалар юз бериб турибди, турфа давлатлардан дунё кезиб юрган журналистлар уларни пешма-пеш ахборот воситалари орқали тарқатмоқда. Бошловчи бир журналист сифатида мен ўзбек журналистлари ҳам ана ўша дунё кезиб юрган халқаро журналистлар сафидан етарли ўрин эгалласалар деган орзуим бор.

Зеро, чет давлатларда ўз мухбирларимиз йўқлиги халқаро воқеалар ҳақида ҳолислик нуқтаи назаридан ёзилган шарҳларни ўқиш имкониятидан маҳрумликмида намойён бўлса, жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон ҳаётидан ҳаққоний ва тўғри ахборотни ҳавола этиш масаласи оқсаятгани маҳаллий журналистларимизнинг, ватанимиз журналистиксининг жиддий қамчилиги эмасми? Нега энди биз ҳажимизда ўзимизнинг эмас, балки турли "ҳолис" агентликлар мухбирлари хабар бериши керак? Улардан тўла-тўқис ҳолис бўлишни талаб қилиш мумкинми?

Нима бўлганда ҳам, мазкур масала ўтиш даврининг ўткинчи муаммоларидан бири эканлиги ва унинг ижобий ҳал бўлиши узоққа чўзилмаслигини истайди кўнгил.

Т.МАҲКАМОВ фотоси



Ҳафта воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи Жон Байерли раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди

Москвада Леонид Левитиннинг "Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи бошланди: Ўзбекистон-Хитой тайпейи — 7:0!

Юмуқ

"MATIZ" — ЯНГИ АСР МАШИНАСИ

Хали 6 ўшга тўлиб улгурмаган "ЎзДЭУ" қўшма корхонаси ўзининг "Matiz" енгил автомашинасини автохлосмандларга тақдим қилиш ниятида. Ҳозирги кунда корхона мукамаллаштирилган "Matiz" — 150 румидаги автомобилларни ишлаб чиқараётти.

"Matiz"ни ишлаб чиқаришда "Тисо"нинг шаки ва ички тузилиши асос қилиб олинган. Уни бир қўришдаёқ чиндан ҳам янги аср машинаси эканлигига амин бўласиз.

Айни пайтда "Matiz"нинг "S" ва "SE" турлари ишлаб чиқилмоқда. "Matiz"нинг "SE" тури "S" турига қараганда кўпроқ қўлайликларга эга. "Matiz" йўлда юрганда хавфсиз ҳаракатланади. У "Тисо"дан 365 кг оғир бўлиб, кўпроқ "Nexia" автомашинасининг йўлдаги ҳаракатини эслатади.

Сардор МАДАТОВ, ЎзДЭУ Халқаро журналистика факультети толиби



Шаҳноза МАТНАЗАРОВА

Кўргазма

ИНСОН ОДОБИ

...ва пибоси билан гузал

Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси, "Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси, "Инсон кийими" галереяси ҳамкорлигида "Баракат" бизнес марказида "2001 йил баҳори" мода кўргазмаси бўлди. Унда юртимизнинг кўплаб модельерлари томонидан 15 дан ортиқ кийимлар тўплами намойиш этилди. Турли ранг, кўринишдаги жун газламалардан тайёрланган кундалик устбошни томоша қилгани пойтахтликлар ва меҳмонлар ташриф буюришди.

В.Содиқов, Л.Бойматова, Е.Шевченко, Д.Тен яратган либослар, Қозғистондан А.Қалиев муаллифлик қилган андозалар кўпчиликка манзур бўлди. Тадбирда кўплаб янги модельерлар кашф этилди. Бунақа тадбирларнинг ўтказилиши фойдадан холи эмаслигини кўпчилик таъкидлади.

Истак

"ТҮРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ" МАҚОМ И

Лондонда "Гайд-парк" деган жой бўлиб, у ерда хоҳлаган киши атрофига қизикувчиларни тўплаши, исталган мавзуда ўз фикрларини баён этиши мумкин экан. Ахир ҳамман бир бўлиши керак демоқчи эмасман. Бунинг учун ҳали кишиларимиз онгида шунга яраша ўзгаришлар бўлиши кераклигини яхши биламан. Лекин шунгача фақат газеталаргина бизда айтиш расм бўлгандек, "миллионлар минбари" ёки "Халқ овози" эшитиладиган жой бўлиши мумкин деб ўйлайман. Мен газетачилидан тамоман беҳабар, бошқа касбадаги

одамман. Газеталар қимматлиги туфайли бир неча йиллардан бери бирорта газетачи бўла олмаганим йўқ. Пулим бор вақтида, 1-2 ойда 1 та газета ("Хуррият"ни) олиб ўқиб тураман, ҳолос. Баъза телевизор орқали "Марказий газеталар шарҳи"ни кўраман.

Мустақиллик йилларида газета-журналлар сони ортиб кетди. Хатто маблаг бора эринмаган корхоналар ҳам ўз газета-журналларига эга бўлмоқдалар. Бунинг яхши томони газета ҳаётига яқинроқ бўлади, ўз маълумотларини, реклама қилишини қўшимча имконияти туғилади. Емон томони — билим ва малакаси ҳаминқадар журналист ҳам ўзининг фикрларини ўқувчига ўтказиш имкониятига эга бўлди. Бу эса ўқувчи фикрларини ўтмаслаштиради. Корхона ҳисобидан буна ташкил этиш мумкинлигини Эътиборга олсак бу доира кенгайишини тасаввур қилиш қийин эмас. Демак, гап кенг бўлди ҳам шундай жой бўлиши керак демоқчи эмасман. Бунинг учун ҳали кишиларимиз онгида шунга яраша ўзгаришлар бўлиши кераклигини яхши биламан. Лекин шунгача фақат газеталаргина бизда айтиш расм бўлгандек, "миллионлар минбари" ёки "Халқ овози" эшитиладиган жой бўлиши мумкин деб ўйлайман. Мен газетачилидан тамоман беҳабар, бошқа касбадаги

бундай кадрларнинг кўпайиб бораётгани қувонарли ҳодиса. Бу ҳол газеталарда босилаётган долзарб, чуқур таҳлил қилинган танқидий мақолаларда ҳам ўз аксини топмоқда. Лекин улар нисбатан кам. Бизда оқоридидагилардан кўра хабарчи, мадҳия-боз мухбирлар кўпроқ чамамда. Албатта бу йўл тинчроқ, асабини ҳам бузмайсан. Журналистлар ўз эътиборларини кўпроқ жамият учун нафи тегадиган муаммоларга қаратганларида яхшироқ бўлармиди? Ҳолбуки, бунга журъат қилган журналист учун бизда муаммолар тўлиб ётибди.

Нимагадир, 50-100 ишчи ўрни ташкил этса теримизга сийма тасанно айтаман. Газеталарда катта-катта мақолалар ёзамиз, "кичрайиб" қолаётган жамоалар хусусида чурқ этмаймиз. Тўғри, гапириб, бирова ақл ўргатиш осон. Лекин журналист касбини танлаган инсон ҳаётида ҳеч бўлмаганда 1 марта тўлса ҳам ҳар нарсасига тайёр туриб кўпчилик корига ярайдиган мақола ёзиши керак деб ўйлайман. Тўғри, танқид ҳеч кимга

ёқмайди. Сиз ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, танқиддан холи (матбуот танқиди) шахслар борми? Қонуншунослар қонун олдиди ҳамма баробар, демак бу гап ошқича дейишлари мумкин. Лекин шошилманг! Сиз айтилдики, туман газетасида туман раҳбари танқид қилинган бирор мақолани ўқиганмисиз? Туман прокурори ёки милиция бошлиғи ҳақидаги танқидий мақолани-чи? Бу саволларни вилоятга ҳам татбиқ этиш мумкин. Ваҳоланки, Ўзбекистонда матбуотнинг назоратчи бўлишини талаб қилмоқда.

Албатта, танқидий мақолаларни матбуотда чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Бош муҳаррирда "шу мақолани берсак раҳбарлар тўғри тушунамиз, тушунмасам унинг бўйи мисқолаб йиққан обрўим бир пул бўлиб, кўчада қолиб кетмасмикиман?" деган ҳадиклар бўлиши табиий-да. Кўпчилик муҳаррирлар мақолани бермай тинчроқ юришни афзал қўришади. Балки уларни ҳам тушуниш керакдир? Боринг, ана шу бир

Абдуваҳоб МҮМИНОВ

журъатли муҳаррир қўлига тушиб босилди ҳам дейлик. Лекин бу кўтарилган муаммо ҳал бўлди дегани эмас. Нафақат газета сўзини, анча-мунча раҳбарларнинг ҳам танқидини пинағига ҳам келтирмайдиган, керак бўлса ёлгон-яшиқ жавобни газетачи йўллаб одамларни чалғитадиганлар ҳам йўқ эмас. Шу билан бирга танқиддан тўғри хулоса чиқариб, газетачи раҳмат айтиб, ишларини янада яхшилаганлар ҳам бўлади.

Хуллас, шунақа гаплар. Биз келажаги буюк ҳуқуқий давлат қуриш орузидамиз. Орузини амалга ошириш йўлида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу борада оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам катта вазифалар юкланиши табиийдир. Вақтлар келар, биз Ўзбекистон деб аталмиш буюк давлат фуқаролари, бир вақтлар Лондондаги "Гайд-парк"ни ҳавас қилиб юрганларимизни қулиб эслаймиз!

Муносабат

СУДНИ-КУ, МУСТАҚИЛ ДЕЙМИЗ, БИРОҚ...

Пахтакор тумани прокуратурасида бир ҳужжатни кўриб дастлаб ишонмагандим: ҳужжатда туманда жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилгани, унга туман прокурори — раис, суд раиси ва ИИБ бошлиғи аъзо экани акс этганди...

Албатта, кенгаш яхши ниятда, яъни туманда жиноятчиликка қарши кескин курашиш, бу борада соҳа ҳодимларининг бир ёқдан бош чиқариб фаолият олиб бориш мақсадида тузилганига шубҳа йўқ. Шу боис "Я, судларни мустақил деймиз, шундай экан, прокурор раис бўлган кенгашга судьянинг аъзо сифатида киритилиши мантқиққа зид-ку?"! мазмунда эътироз билдиришни лозим топмаган эдим.

Сирдарё вилоят прокуратурасининг "Адолат кўзуси" газетасида (14-сон, 2001 й.) босилган "Идораларо кенгаш" сарлавҳали кулчадеккина ахборот барчасидан ўтиб тушди. Ахборотда айтилишича, вилоят прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мувофиқлаштириш Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят прокурори Э.Бердимуродов бошқарган мазкур йиғилишда "2000 йил давомида жиний ишлар бўйича судлар томонидан жиний ишларни қўшимча тергов ўтказишга юборилиши сабаблари" муҳкама этилибди.

Йиғилишда шаҳар ва туман прокурорлари, ИИБ тергов ишлари бўйича ўринбосарлари, ана борики, тезкор ҳодимларнинг қатнашиши мутлақо табиий. Бироқ прокурор бошқарган мажлисда жиний ишлар бўйича суд раислари, судьялар ҳам иштирок этиши ақлга сиймайди. Нега?

Бўлиб ўтган йиғилишда, кун тартибидан ҳам кўришиб турибдики, жиний ишларнинг қўшимча терговга қайтарилиши муҳкама қилинган. Маълумки, судья ақсар ҳолларда судланувчининг ҳуқуқи, тергов жараёнида процессуал қонун нормалари кўпоб бузилган, қисқаси, сифатсиз тергов қилинган ишларини-гина қўшимча терговга қайтарди. Ишининг судья томонидан қўшимча терговга қайтарилиши, аёнки, прокурор учун минус. Негаки, айблов хулосаси прокурор тасдиқлайди.

Конституциямизга кўра, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти учга бўлинган ва улар бир-биридан мустақил ҳолда фаолият юритадилар.

Судьялар суд ҳокимиятини амалга оширувчилар ҳисобланиб, улар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсундилар.

Судьяларни прокуратура идорасига чақиришнинг ўзи, қолаверса, уларни жиний ишларни қўшимча терговга қайтарилишининг сабабларини муҳкама этишга жалб этиш Асосий Қонунимиз руҳига зиддир.

Шу нуқтаи назардан олганда, янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳасидаги 10-модда, яъни прокурорларнинг ички ишлар, солиқ, миллий хавфсизлик хизмати, божхона ва бошқа органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши мумкинлиги ҳақидаги қонунда "судлар бундан истисно" дея алоҳида норма киритилиши мақсадга мувофиқдир. Йўқса, бу ҳолат судларнинг мустақиллигига соя солиб туриши турган гап.

Риёс НОМЗОВ, адвокат



Бир мириқиб
кулиш тушлик
ўрнини босади.

Таҳририятга келган хатдан

Журналист текшируви

Тўққиз эътироз

Ва уларнинг исбот топмагани ҳақида

Шуро замонда бирор бир раҳбар устидан шикоят ёзган одам охири-оқибати ўша хуҳуддан кўчиб қутулган эди. Муस्ताқиллик мана шу жиҳатдан ҳам фуқарога катта эркилик берди. Бугун ҳар бир фуқаро ўзининг ҳаққуқини исталган раҳбардан, у ҳоҳ жамоа раиси, ҳоҳ ҳоким бўлсин, ҳимоя қилиши учун ҳуқуқли асос яратилди. Шуро даврида давлат ўз манфаатлари йўлида ҳатто бугун ҳалқ манфаатларидан кўра омиб юборган бўлса, бугун давлатнинг ўзи оддий фуқароларнинг манфаатини байроқ қилиб кўтарарди.

Оқори Чирчиқ туманидаги Усмон Юсупов жамоа корхонаси аъзоларининг шикоятига нисбатан ҳокимнинг қаратилган. Жамоа корхонасига туман ҳокимлиги томонидан асосан аралашувлар бўлган. Президент Фармонига эид равишда корхонада текшир-текшир қўлайди, ҳоким жамоа раҳбари фаолиятини жамоада ишламайдиганлар олдига муҳожима қилиб мажлис ўтказди — шикоятнинг мазмунини ўқиди.

Авалло, шикоятни ўқиб бир шубҳага борсан киши. Ҳокимлик агар жамоа яқини ишлаётган бўлса барақалда дейди, жамоага ҳам, раҳбарига ҳам тасанно айтади. Демак, У.Юсупов жамоа корхонасининг фаолиятида анча-мунча нуқсонлар бўлса керакми... Аввалло, эътибор шунга қаратилди.

Корхонада давлат бюурт-маларидан фақат галла экилар экан, Вилоят статистика бошқармаси маълумотида галла, 1999 йили давлатга галла сотишни корхона 230 фойизга, ўтган йили эса 100,7 фойизга бажарган. 1994 йилдан ҳозиргача бўлган фаолиятига ҳам назар солинди. Корхона ҳар йили фойда билан аяқланиб келмоқда, давлатдан қарзи йўқ. Ўтган йили ноябрь ойида корхонада бўлиб ўтган мажлис текширув хулосалари ҳам яқини. Биноидан ишлаётган корхонага ҳокимлик бекордан-бекорга аралаш-шавармаса керак, қандайдир, ҳоким билангина асос бўлса керакми, деган уйлар билан туман ҳокими Алишер Гаппаров хузурига кирди. У киши шикоят мазмунини эшитган, уларнинг корхона раҳбарига нисбатан (корхонага эмас) бир қанча эътирозларини билдирди. Эътироз асосан қўйилганлар: 1. **Биз яқини сотиб олиб бажарди.** Суали ердан астиги 18 центнердан ҳошил олди. 2. **Ерлар оилавий пудратчи берилиши керак.** 3. **Ижтимоий ишлар дабдала.** 4. **Мақтабга ёрдам бермайд.** 5. **Хисоботлари туманга топширмайди.** 6. **403-қарор бўйича 160 гектар ерга бугунги эмади.** 7. **60 гектар ернинг ҳисоботи берилмаган.** 8. **Иккенежни бугунгил қилиб қўйибди.** Бош ҳисобчи технология техникумини тугатган. 9.

Журналистнинг нават-даги сонини қўлингизга олар экансиз, унинг муқовасидаги бежирим ишланган суратдан ҳам бахорнинг илк нафаси сезилиб тургандек гўё. Журналистнинг ушбу сонидан Ҳожи Абдуразақ Юнуснинг "Дунё ва охирада солиқлардан бўлайлик", Фозил Зоҳиднинг "Китоб қисмати", Абдуғафур Искандарнинг "Меърож", Уста Олимнинг "Тоат тоқатга яраша бўлур", Муҳаммадҷон Алҳожий ўғлининг "Бидъат залолатдир", Муҳаммад Сиддиқнинг "Поклик имоннинг бир қисми", Умарали Норматовнинг "Эътиқоддан сув ичган" сарлавҳали турфа хил қизиқарли мақолалар, шунингдек, ибратли ривоятлар ҳамда оят ва ҳадисларнинг берилганлиги ўқувчининг маънавиятини бойитишга хизмат қилади.

Шайхона ҚОИПОВА

Обунага муносабати ёмон. Оқоридаги эътирозларнинг, кўриб турибсизки, катта-кичиги йўқ. Ва туман ҳокими ҳатто ҳўжалиқнинг газеталарига обуна бўлганини-йўқлигини қизиқиши ҳам қувонарли ҳол, албатта. Ҳатто Алишер ақанин ҳисобчи мисолида корхонадаги кадрларнинг жой-жойига қўйилиши масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилганлиги бизни қувонтирди. Шунинг учун журналист текширувини Алишер ака билдирган 9 эътирозни ўрганишдан бошладик. (Газетхонга қўлай бўлиши учун улар юқорида рақамланган эди).

1. У.Юсупов жамоа корхонада давлат бюурт-маларидан фақат галла экилар экан, Вилоят статистика бошқармаси маълумотида галла, 1999 йили давлатга галла сотишни корхона 230 фойизга, ўтган йили эса 100,7 фойизга бажарган. 1994 йилдан ҳозиргача бўлган фаолиятига ҳам назар солинди. Корхона ҳар йили фойда билан аяқланиб келмоқда, давлатдан қарзи йўқ. Ўтган йили ноябрь ойида корхонада бўлиб ўтган мажлис текширув хулосалари ҳам яқини. Биноидан ишлаётган корхонага ҳокимлик бекордан-бекорга аралаш-шавармаса керак, қандайдир, ҳоким билангина асос бўлса керакми, деган уйлар билан туман ҳокими Алишер Гаппаров хузурига кирди. У киши шикоят мазмунини эшитган, уларнинг корхона раҳбарига нисбатан (корхонага эмас) бир қанча эътирозларини билдирди. Эътироз асосан қўйилганлар: 1. Биз яқини сотиб олиб бажарди. Суали ердан астиги 18 центнердан ҳошил олди. 2. Ерлар оилавий пудратчи берилиши керак. 3. Ижтимоий ишлар дабдала. 4. Мақтабга ёрдам бермайд. 5. Хисоботлари туманга топширмайди. 6. 403-қарор бўйича 160 гектар ерга бугунги эмади. 7. 60 гектар ернинг ҳисоботи берилмаган. 8. Иккенежни бугунгил қилиб қўйибди. Бош ҳисобчи технология техникумини тугатган. 9.

2. Бу йилги галла ҳосили учун 60 та оилавий пудратчи-га галла далалари шартнома асосида бўлиб берилганлиги ни айтишганда ишонманган эдик. Чунки туман ҳокими шартномалар асосида ер бўлиб берилмаганлиги ҳақида эътироз билдирган эди-да. Шартномаларни

қолдим. Биласизми, қомбайн-лар олиб кетилиши ва уруғлик бугундининг товар сифатида топшириб юборилиши бизнинг корхонага 11 миллиондан ортиқ зарар қилди. Бундай ҳаракатлардан кейин ноилоҳ, сотиб олиб бўлса ҳам режани бажардик. — дейди корхона раҳбари.

3. Шубҳа бежиз тўғилмади албатта. Айнан ҳозир тилга олинаётган эътироз бўйича ҳам маълумот бироз ноҳосил эътирозли бўлиши мумкин. Негаки, 2000 йилда турли хил маданий-маърифий тадбирлар, ҳам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, яқин ишлаётган ишчиларни рағбатлантириш каби масалаларга корхона 1 миллион сум атрофида маблағ ажратибди ва 137 азоси бўлган корхона учун бу ҳолат чакки ҳисоблан-майди.

4. Чунки, масалан, мақтаб-га шу хуҳуддаги ҳўжалиқ ёки корхонага эмас, туман ҳалқ таълими ҳам, туман ҳокимли-ги ҳам эътибор қаратиши лозим. Корхонанин хуҳудда-ги 11-мақтабга бўлган эътиборига келсак, ўтган йили мақтаб таъмири учун корхона томонидан 300 миңг сум ўтказилди. Яна яқин асри кутиб олиш учун шу мақтабнинг бошланғич синф ўқувчиларига арча байрами қилиб, совға улашилди. Умуман, корхона аъзолари фарзандларига совға улаиши анъана тусига кирган. Бизнинг-ча, ҳокимлик асосидаги бундай ёрдамларни "мақтабга ёрдам бермайд", дея талқин этиш ҳеч бир мантиққа симамайди.

5. "Мен ўз вақтида ҳафталик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни топширганман. Туман статистика ҳодимлари ҳисобот олинганлиги тўғрисида имзо чекиб берганман. Туманга катнаб ҳисобот топширганман учун корхона раҳбари буйруғига қўра оилгимизга қўшимча фойз тўлади. Шу тўғрисида ҳар бир йил чиптасини маршрут варақасига тикиб корхонага келтириб берганман", — дейди ҳисобчи Р.Уррүмбеова ва олдимида йўл чипталари ўз статистика ҳодимларининг имзоси қўйилган ҳисоботларнинг бир дастасини ташлайди. Яна

ажабланырли савол тўғилди: Туман ҳокимига корхона тўғрисида нотўғри маълумот узатиши кимга керак бўлапти?..

6. Туман ҳокимининг биринчи муовини Б.Эшонов 28 февралдаги Усмон Юсупов жамоа корхонаси тўғрисидаги маълумотимасида қўл билан "160 гектар майдон экилма-ди, ҳисобот берган", деб ёзиб қўйибди. Албатта бу, галла майдонига тегишли гап. Корхона раҳбари Абдуҷаббор Орифқўжаев ҳақиқатан шунча гектар бугунги эмаганлигини тани олди. "Авалло режада белги-ланган ҳамма майдонга экишга шараф бўлмади, кейин эдик. Ҳисобот бериб юборган деган гапга келсак, биз неча гектар эккан бўлсак, ушани курсатганимиз. Қўзда 365 гектар эккан эдик, уша маълумот туман статистика-сига узатилди", — дейди А.Орифқўжаев. Туман статистика бўлими совиб бошлиғи С.Егамбердиевдан масалани ойдинлик қилиб беришини сўрадик. У киши ҳодимларим кетиб қолибди, деди. Биз эртага топширарсиз, деб хўнадик. 2 кун кутдик, жавоб бўлмади. Ниҳоят, вилоят статистика бошқармасига мурожаат қилинди. Унда У.Юсупов корхонаси кузги бугундйни 365 гектарга эки-ди, деб курсатилган. Демак, корхона Б.Эшонов таъкидла-ганидек эмаган бугундйга эдик, деб нотўғри маълумот бермаган. Кизик, унда нега Б.Эшонов маълумот берган, деб ёзиб қўйган?..

7. Туман ҳокими билан учрашганимизда корхонага бериб юзма-юз гапллашиб фойдалан ҳили бўлмаслигига келишдик. Бизга Б.Эшонов ҳамроҳ бўлди. Ҳоким ўринбо-сари аввало корхона билан

танишинлар, деган ниятда ҳўжалиқ хуҳудини бироз айлантирдик. Галла жуда дурқун, қўзни қувонтирадиган ҳолатда эди. Аммо Б.Эшонов диққатимизни боғларга қаратди: "Қаранг, аҳоли ҳароб". Корхона идорасига келиб билдикки, аввало Алишер Гаппаров айтганла-ридек, корхона боғлари 60 гектар эмас, 24 гектар экан. Қолаверса, Б.Эшонов сўйр эътириб келган боғлар ҳам корхонаники бўлиб чиқмади. У фермерларники экан!.. Нима бу? Қўзбўямачиликми? Очқикдан-очик алдаш ва чалитишми? Алишер Гаппар-овга корхона тўғрисида нотўғри маълумот бериш "механизм"нинг бир ифода-симми?!

8. Корхона бош ҳисобчиси Х.Абдуллаева Тошкент технология техникумининг бухгалтерия курсини тамом-лаган экан. Демак, бухгалтерия соҳасида бемалол илашиши мумкин. "Корхона-нинг бош иқтисодчиси М.Игамбулова ҳам 1992 йилдан бери бухгалтерия соҳасида ишлаб келмоқда, — дейди корхона раҳбари. — Ҳар иқкаласининг фаолияти-дан шикоятлар бўлгани йўқ. Ўтган йилги мажлис текши-рув хулосаларини бераман, иқкало ҳодимимиз қандай ишлаётганлигини ўзингиз хулоса қилиб олинг".

9. Ҳоким жанобларининг корхонада обуна ишлари ўлда-ўлди йўлга қўйилгани ҳақидаги эътироз ҳам асосиз бўлиб чиқди. У кишининг қабулида бўлгани-мизда "Мана газетига муно-сабат" дея ўринбосари Ш.Турсунбоевнинг ўзининг номига ёзилган "У.Юсупов обуна бўлмади, чора қўринг" мазмундаги хатини узатди. У.Юсупов корхонасига борга-

дан яна текширув ўтмас-кирди. Комплекс текширувга руҳсат олмақчи бўлиб юрган-лигини туман ҳокими А.Гаппар-ов биз борганимиздаёқ айтган эдилар. Ниҳоят, мана эришибдилар экан. Бизнингча, Алишер ақанин бу гапларида ҳам юқоридагидек нотўғри маълумотларнинг таъсири ва корхонага нисбатан ноҳосил-лик борга ўқшайди. Биз эса бу таширф корхонага қиммат-га тушишини, у ерда ҳукм сўраётган ишчанлик кайфия-тига пугур этказишини ўйлаб, қўтриси, бироз афсус-ландик ҳам. Ва ҳаллимиздан шикоят қилганларга наҳотки ҳозир ҳам шундай муносабат давом этаётганимкин, деган ўй ўтди. Таширфийдан 2 ҳафта ўтар-ўтмас эса, ниҳоят корхонада текшириш бошлан-ди.

Ана ҳоло! Наҳотки, туман раҳбари нуқул нотўғри хулосалар таъсирида юрaver-са, у кишига ёлғон ахборот беришдан қимлар манфаат-дор? Ахир ҳоким билдирган эътирозларнинг бирортаси тасдиғини топмади-ку. Еки туман ҳокими учун бир корхона раҳбари билан юзма-юз ўтириб маслаҳатлашиш, ҳаққий аҳолини сўрайтириш ва адолатли хулосалар чиқариб олиш шунчалар қийинми? Назаримизда ҳозир туман раҳбариятининг кайфияти корхона раҳбари А.Орифқўжаевга нисбатан қаратилган, ўтказилган мажлис, ўтказилган текширув ҳўжалиқ раҳбарини ишдан бўшатишга қаратил-япти. Буни ҳатто Алишер Гаппаровнинг ўзи ҳам таъкид-лайди, яширмайди.

Биз нима ҳам дердик. Демак, ҳамма балн шунда!.. Фақат бундай келишмовчи-ликдан корхона раҳбарига қўшилиб бугун жамоа, жамоа аъзоларининг кадр-қиммати жабр чекаётгани ҳам ачинар-ли, ҳам гаирқонуний ҳолдир.

Ақбар ЖОНУЗОКОВ, Соҳибжон САЛИМОВ

Табобат

Мен излаган одам

Бирор жойи огриган, дард танасини "қойитган" киши борки, касаликка алоқадор нима бўлса, тинглаб, ўқиб ёки кўриб бораркан. Мен буни танамда кучли санчик пайдо бўлганидан кейин янада қуқурроқ ҳис қила бошладим. Шундай санчикча, у мўдум кўчиб юрар — гоҳ курақнинг тағида, гоҳ бел ёки оёқда пайдо бўлар, гоҳида икки-уч кун пинҳон бўлиб кетарди. Умархон ақани ана шундай кезларда теле-визордан кўриб қолдим. Нимагадир менда ўша пай-тининг ўзидек "мен ана шу табибга қўринишни керак", деган фикр пайдо бўлди. Очиги, унча ёр-бирдорлар қайси жойлардадир яқини табиб борлигини айтган, лекин нимагадир оёғим торта-ётган эди. Ниҳоят йўлимиз тушиб, Наманганга бор-дик.

Табибни топиш учналик қийин кечмади. Наманган шаҳ-рининг қадимий "Таштакўприк" маҳалласида истикомат қилар-кан. Одам тирбанд: шифо ис-таб, ҳар қаёқдан келишган. Та-бибнинг беморни кўриш, та-бибни кўриш усуллари жудаям содда экан. Унг қўлингизни тирсагингизга чимариб, хонтахта устига қўяди-да, би-лагингизнинг томирига бар-моқларини босиб, кўп эмас, бирон дақиқа "тинглайд". Ана шу аллоҳда юз-қўлингизга ҳам зимдан назар солади. Сиздан ҳеч нарса сўрамайди. Кейин танангиздаги "дард"ни бира-

Халқ табобати билан шуғул-ланган киши халқнинг душа-нига айланishi ҳеч гап эмас эди. Уша кезларда ҳалқ табо-вати ҳақида ёзган бирор му-ҳбирни, бирор газета ёки жур-нални эслаш олайман. Мус-тақиллик халқ табобатининг қўлига солинган "кишан"лар-ни ҳам юлқиб ташлади. Узбе-кистон халқ табобати акаде-мияси ташкил этилди. "Шарқ табобати" деган журнал мун-тазам чиқиб турибди. Бундан ортиқ яна нима керак!?

Даровек, Умархон ака ана шу журналининг тахир хайба-ти азоси. Академиянинг Фар-ғона водийси вилоятлари бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш раиси. Бир ҳўжатманднинг юмши-ни енгиллатган кишига қанча-лик савоб тегиши ҳақида кўп ва хўп айтишган. Бир бемор-нинг дардини енгиллашга ёки ундан халос бўлишга сабаб-чи бўлган кишига-чи? У нима-га лойиқ ва ноил бўлиши мум-кин? Бунинг нима эканини фа-қат шифо толган беморинга ҳис қила олади. Умархон ака-нинг уйдаги "дил эҳор"ла-рини тўпласангиз бир кучоқ бўлади. Машхўр аллома ва табиб



Р. ЭГАМБЕРДИЕВ чизган

БИЗ — қалам аҳли ҳақиқатан ҳам даврдан орқада қолиб кетмаёмизми, деган ҳаёлга бора-сан киши. Албатта, вақти-соати билан мамлака-тимиздаги буюқ ўзгаришлар улкан асарларга мавзу бўлади. Лекин ҳозир, менинг билишимча, мана шунга замин яратадиган публицистик асарлар ёз-моқ, турли соҳалардаги бунёдкорлик ишларини изчил таҳлилий асосда кўрсатиб бермоқ даркор. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, бугун қўл қовштириб қараб туриш ҳам му-стақиллигимизни ҳимоясиз қолдириш билан баро-бардир. Давримизнинг фидойилари гайрат-шижо-ати ва интилишларини биз очиб бермасак, улар-нинг ибратли фаолиятини улуғламасақ, ёшлари-мизни яратувчиликка йўналтирмасак, фарзандла-римизни тарбиялашдек муҳим аҳамиятта молик ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган бўламиз.

Одил ЕҚУБОВ, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси "Ўзбекистон овози" газетасидати "Замонави ҳақрамолири" сарлавҳали мақоладан

Бир савол - бир жавоб

ИЖОД ДАВРИ КЕЛДИ

Айни кунларда қандай асар яратмоқдасиз?

Шуқур ХОЛИМРИЗАЕВ, ёзувчи: — Муस्ताқиллик тарихига оид "3000-у, 10 йил" ном-ли асарни ёзиб тугалладим.

Аваз МАНСУРОВ, композитор: — "Сўғдиёна" миллий чолғу оркестри учун "Мозийдан садо" номли янги поэма топширдим. Май ойида у биринчи марта халқаро фестивалда ижро этилади.

Усмон АЗИМ, шоир: — "Алишер Навоий" номли сценарийни, "Бахт қуши" комедиясини ёзиб тугатдим. Ҳинд ижодкорлари билан ҳамкорликда янги фильм суратга олинмоқда. Яқинда "Алломанин қайтиши" номли саҳна асарининг пре-мьераси режалаштирилди. Шеърлар қозғога тушиб ту-рибди.

Ҳожиакбар ШАЙХОВ, фантаст-адиб: — Муҳлисларга "Самовий муҳаббат" номли мусиқа-ли-хаёлий драма топширмоқчиман.

Азим СУҲОН, шоир: — Ватанимиз муस्ताқиллигининг 10 йиллиги муноса-бати билан "Ўзбек юрт" номли шеърый тўпламини би-тиряпман.

Ақмал ИКРОМЖОНОВ, рессом: — "Чирчиқ воҳаси", "Баҳор" номли картиналаримни битириб топширдим, энди бир қатор портрет ва на-тюрмортлар чизяпман.

Дилбар САИДОВА, адиба ва журналист: — "Оила ва жамият" ташвишларидан ортган вақтлар-да "Бир аёл тақдири" деган саргузашт қисса ёзяпман.

Абдуқамол ЙЎЛДОШЕВ, ёзувчи: — "Тимсоҳнинг кўз ёшлари" деб номланган янги қис-сам "Ёшлик"нинг 2-сонида эълон қилинапти. Замондош ёшлар ҳаётига бағишланган яна бир қиссани тугатиш арафасидаман.

Хабар

Жизза

ЖУРНАЛИСТНИНГ БУГУНГИ ВАЗИФАСИ

Вилоят маънавият ва маърифат маркази биносида вилоят журналистларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш вилоят ҳокимлиги қошида тузилган оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ишига бағишланди. Ўтган бир йил давомида кенгаш қандай ишларни амалга оширди? Муस्ताқиллигимизнинг 10 йиллиги ва уни ўтказишда журналистларнинг долзарб вазифалари нималардан иборат?

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Олимжон Жавлонов ва бошқа сўзга чиққанлар бугунги бозор иқтисодиёти шариоти-да матбуотни ривожлантириш, айнакча туман газеталари иқтисодий аҳолини яхшилаш, вилоят, туман, нарқом газета-лари, телевидение ва радио жамоаларида чин ҳамкор ижодий муҳитни шакллантиришга доир долзарб масалаларга эътибор-ни қаратдилар.

Шунингдек, йиғилишда вилоят ҳокимлигининг масъул ҳодими А.Қаюмов вилоят ва туман газеталари ва телерадио-компания фаолиятини таҳлил қилди.

А.ШАРИПОВ

ЁШ ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Гулистон шаҳар ҳокимияти ёш ижодкорларнинг камолотига катта эътибор қаратмоқда. Яқинда шаҳар маънавият ва маърифат кенгашининг Сирдарё вилоят бўлими Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси биргаликда ёш ижодкор шоир ва шоира-лар билан бир пиёла чой устида давр сўхбати уюштирди. Давра сўхбатида кенгаш ва ёшлар ижодкор мулоқоти қизиб кетди. Шеърлар тингладик, санъат билим юрти талабалари ижросида шўх қуйлар, ҳажв миниатюралари ижро этилди. Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон, шоир Ҳамроқул Ризо, ҳажвчи-ёзувчи Жўра Умарқул, Гулистон Давлат университет проректори, олим Равайн Маҳмудов ёш ижодкорларга юксак ижодий ҳўқуқларга эришишларига самийий истақларини билдиришди.

КЛУБГА МАРҲАБО!

Гулистон Давлат университети ректори Азимжон Парпиев ва бир гурўх олимлар ташаббуси билан ёш ижодкорлар клуби ш бўшлади. Клуб қошида адабиёт, журналистика, санъат гуруҳлари ташкил этилди. Гуруҳларга Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон, журналист Мамадали Аҳмедов ва бошқалар етакчилик қилмоқдалар.

Хуришда АБДУҚАЮМОВА

Огоҳлик

эдик. Россия матбуоти ҳатто проваслав динини қабул қилган киргизлар ва қозоқлар ҳақида кўп ёзди.

Миссионер ташкилотлар ва гуруҳларнинг вакиллари дастлаб Қозғистонга маданият, таълим, спорт ва ёшларни қизиқтирган бошқа соҳаларни тарғиб қилиш баҳонасида келганлар ва рўйхатдан ўтиб ишлаш бошлаганлар. Улар аввало хусусийлаштириш тадбирларида ўзларига яқин бўлган одамлар воситасида уларнинг номига ёшлик ва спорт салонларини, маданият даргоҳларини сотиб олганлар. Ёшларга спорт ва маданиятнинг турли соҳаларини пулга ўргатадими, деб аслида эса маблағ талаб қилмасдан, аксинча, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб ўз таъсирларига торта бошлаганлар. Улар ўз максадлари йўлида жуда катта маблағ сарфлаганлар. Бундан хабар толган Қозғистон Президенти Н.Назарбоев "Қозғ халқи — мусулмондир, мусулмон бўлиб қолади, уни йўлдан оздиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир" деб баёнот берганидан кейин миссионерларга қарши тадбирлар қўрила бошланди.

Хорижий оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, Урта Осиёдаги давлатларга Россия, Швеция, Европанинг бошқа ўлкалари, шунингдек Синга-

пур, Филиппин, Эквадор ва бошқа давлатлардан гоҳида ишбилармон, гоҳида талаба, гоҳида ўқувчи сифатида, хуллас турли қиёфаларда кириб келаётган кишилар бу ердаги маҳаллий халқларни ўз дин ва тарикатларига тортишга уринганлар. Улар китоб, эслатма, варақа, телерадио ёзувлар ва магнитфон кассеталари тарқатиш билан тарғибот ишларини олиб боришган. Дастлаб Алматий шаҳрида дунёнинг турли ўлкаларидан келган миссионерларнинг расмий йўлбилан ўтган 1300 та мустақил ташкилотли фаолият кўрсатган. Кейинчалик бу ташкилотлар иши қатъий давлат назорати остига олинган.

Киргизистонда бундан уч-тўрт йил олдин миссионерлар сурбетлик йўлига ўтиб олишган. Жумладан, Бишкекнинг марказий майдонларида очик-ойдин тарғибот ишлари олиб боришган. Инглизча ва русчага яқин ўрганиб олишган Сингапур, Филиппин, Эквадор ва Тожикистондан келган қизлардан иборат махсус гуруҳлар пойтахтни туманлар бўйича бўлиб олишган. Қаерда мажлис ўтказилса ёки аҳоли гажвум жў бўлса, улар шу ерга кириб сурбетлик билан ўз максадларини тарғиб қилишган.

Албатта, инсонларнинг иймонини пул билан сотиб олишга бўлган бундай уринишлар кўпчиликтида ташвиш тундириши табиий. Ўзбекистонда тўқсонинчи йилларда Қозғистон ва

Йўловчи 5-10 нухсадан тарқатқан экан, сохта мулоимлик билан: "Қўшилларингиз ҳам берингизлар!" деди. Мен бу ҳолатни кўриб жим туролмадим. — Қари одам уялмасдан нега ивгогарлик қилиб юрибсиз? — дедим. Қиёфаси ўзгариб, ранги бўзариб, кўзлари олазарак бўлиб у автобусдан тушаркан, менга қараб: — Сен Худого қарши гапирдинг, — деди.

Худди шундай манзарани Тошкент шаҳрида ҳам кузатдим. Автобусда ўтирганимда бир кампир қўлимга "Хушхабар" деган китобни тутказди. Жуда чиройли китоб. Жанубий Америкадаги қайсидир давлатда ўзбек тилида нашр қилинган. Китобни очинишга биз билан ўша тахтага қўқилган тасвирга қўзингиз тушади. Мен дарҳол кампирга қайтариб бердим. У китобни "уйга бориб ўқийсизлар" деб иккита ёш йигитга ташлаб автобусдан тушиб кетди.

Бундай ҳолатни бошқалар ҳам кузатган бўлишлари мумкин. Одамларни йўлдан оздириб, уларнинг иймонларини сотиб олиш ниятида ивгогарлик қилиб юрган миссионерлардан оғоҳ бўлайлик. Диний этиқодимизга - қалбимиздаги гажварга доғ туширмайлик бўлганларга муносиб зарба берилайлик. Ватан сотилмаганидек, иймон ҳам сотилмайди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
"Туркисон-пресс"

Интервью

ЯПОНИЯ: ЖАМИЯТ УЙҒУНЛИГИ ИСТАГИ

Япония Хорижий Матбуот Маркази Бош директори Ёшио Хатано бу истакни амалга оширишда матбуот ёрдам беришига умид боғламоқда

Япония дунё иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис кўплаб давлатлар бу мамлакатда кечаётган ўзгаришлар ва воқеалардан зудлик билан хабар топишни истайдилар. Дунёда ўзига хос глобаллашув жараёни кечаётган ани пайтда аниқса бохобарликнинг ўрни беқисс даражада юксалмоқда. Шунданми, жаҳон оммавий ахборот воситаларининг кунчиқар юрт ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёти ва маданий ҳаётидаги жараёнлар тадрижини зудлик билан илғаш истаги тобора ортомқода. Ани пайтда дунёдаги турли мамлакатлардан 700 журналист Японияда муқим фаолият юритаётгани шундан далолатидир. Бундан ташқари, йилга 1500 дан зиёд журналист ва репортёрлар кунчиқар мамлакатда қисқа муддатли ижодий сафарларда бўладилар.

Япония Хорижий Матбуот Маркази (FPC) мамлакатда фаолият юритаётган ва сакура гулларига ошурта бу дегерга қисқа муддат ташир буюриб, мумкин қадар кўпроқ ахборот олиш истагида бўлган ана шундай журналистларга кўмаклашади.


Хорижий матбуот маркази 1976 йилда Япония Газета ноширлари ва муҳаррирлари ассоциацияси ҳамда Япония Иқтисодий ташкилотлари федерацияси (Кейдарен) томонидан мустақил фаолият юритувчи муассаса сифатида ташкил этилган эди.

FPC Бош директори жаноб Ёшио Хатано менга ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ҳақида сўзлар экан, японлардан кўра европаларга хос сарғимтир юзи ва бўйчан Хатанонинг хотиржам ва салмоқдор сўзларида Шарқ дунёсидаги ҳақиқатларнинг самимиёт ва улғувир бир соддалик мумассас эди. Бу самимиёт сўхбатимизни ортиқча расмийликдан халос этди.

— Бундан тўрт йил муқаддам мен Америка Қўшма Штатларида ишлардим, — дейди Ё.Хатано. — Ўша кезларда биз Японияни ўзга мамлакатлар яхши ва турғи тушунишни жуда истагъимиз. Шу боис хорижий мамлакатларда FPCнинг бўлимлирини ташкил этиш йўлини тутгандик.

Биз ҳар бир мамлакатда ўз ваколат хонамизни очиб, Япония ҳақида ахборот тарқатишга уринар эдик. "Вашингтон пост", "Нью-Йорк таймс" каби йирик нашрлар мамлакатимиз ҳақида кўпроқ ёзишга эришишга интилардик. Бирок, вақт ўтиши билан газеталар биз тахририятларга тақдим этаётган ахборотлар қанча қизиқарили ва ишонли бўлмасин, уларни эмас, балки ўзларининг Япониядаги мухбирлари материалларини беришни афзал билаётганини сезиб қолдик. Ҳа, улар биздан кўра ўз мухбирларига кўпроқ ишондилар. Ҳа, улар бизнинг марказини хориждан бера эга — чет мамлакатларнинг журналистлари фаолият юритаётган ўз юртимизга кўчирдик.

Биласиз, хорижлик журналистга менинг мамлакатимиз, ҳукуматимиз мақта, деб айтолмайсиз. Айтсангиз бунинг оқибати ўзингизга аён. Шу боис биз хорижлик журналистлар билан ҳамкорлик жараёнида энг аввало ўзаро ишончини мустаҳкамлашга интилардик. Бунинг учун ҳукумат нукта назаридан мумкин қадар уқумлашиш лозим эди. Зеро, журналистлар давлат ва ҳукумат ташкилотлари берган материалларга тарғибот мақсадида бериляпти, деган ақида билан қарайдилар. Биз хорижлик



журналистларга ҳаққоний, вазиятни буюб-бежамайдиغان материаллар тарқатишга интилардик. Журналистлар қандай маълумотга эҳтиёж сезсалар, уларнинг барчасини олишга кўмаклашмоқдамиз.

Фаолиятимизнинг яна бир йўналиши — ноширлик. Биз ҳар ҳафтада "Японияда нима содир бўлди?", "Япон журналистлари нималар ҳақида ёзишяпти?" номли илҳам ва сермаэум бюллетенлар, рисоалар, "Япония ҳақида" номли туркум маълумотнома китоблар, ахборотномалар чикариб борамиз.

— Журналистлар билан матбуот анжуманлари ҳам уюштирасизларми? — Ҳа, ҳар ҳафтада турли муаммоларга бағишланган брифинглар, матбуот конференциялари ўтказамиз. Улар журналистларнинг қизиқишига биноан ташкил этилади. Масалан, "Нега Японияда комиксларни кўп мутлола қилишди?", "Нега бу ерда починка (ютуқли йўл) кенг тарқалган?" каби саволларга жавоб берувчи анжуманлар, сиёсатга, иқтисодиётга, маданиятга оид бошқа юзлаб мавзулар шундай жумласидандир. Керак бўлганда тадбирларга тажрибали мутахассисларни ҳам таклиф этамиз. Гоҳида хорижлик журналистларнинг мамлакатимиз бўйлаб ижодий сафарлари ташкил этилади.

Юқорида таъкидланганидек, биз мамлакатимиз ҳақида материал тўплаш ва ёзиш ниятида юртимизга қисқа муддатга келган ҳамкасбларимизга ҳам кўмаклашамиз. Улар бу ерда компьютердан ва бошқа техник воситалардан текинга фойдаланишлари мумкин. Мақоалаларнинг бўлажак қаҳрамонлари билан сўхбатлашиш учун ҳам шароитлар яратганимиз. Улар мамлакатимиз ҳаётининг турли кирраларига оид видеоматериаллар ва маълумотлардан ҳам бегараз фойдаланишлари мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлардан қарийб 80 нафарга яқин журналист ҳар йили марказимиз уюштирган турли курсларда тахсил олишади. Уларнинг тахсил олиши, мамлакат бўйлаб сафарлари, яшаш харажатлари Япония ҳукумати томонидан қопланади.

Жаноб Хатанондан FPCнинг йиллик бюджети ва у ким томонидан молиялаштирилиши борасида ҳам сўзлашни илтимос қилдим. — Йиллик бюджетимиз 700 миллион йендан (70 миллион доллар) зиёдор. Давлат бюджетидан бошқа молиялаш манбаимиз йўқ. Бу маблағлар юқорида қайд этилган нарсаларга, шунингдек, офис ижараси, маърузалар учун конферансларга, таржимонлар хизматини

ташкил этиш кабиларга сарфланади. Жаноб Хатано унинг Фарб демократияси билан Япония демократияси ўртасида тафовут қандайлиги хусусидаги фикрлари ҳам қизиқарли:

— Японияда демократик тамойиллар аънанаси узок тарихга бориб тақалади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам Япония демократияга танқислик сезгани йўқ. Бугунги Япония ани пайтда миллитанизми миллат сифатида танитган ўзига хосликни, жумладан демократиядаги ўзига хосликни сақлаб қолиш хусусида бош қотирмоқда.

Зеро, азалдан японлар жамияти дуч келган барча муаммолари ўзаро муроаса асосида, келишув ва ён беришлар ёрдамида ҳал қилиб келган. Фарб демократияси эса бирор қарорга келиши учун бошқа фикрни инкор қилиш йўлидан борган. Яна айтганда, Японияда бундай эмас. Бу ерда азалдан барча фикрларнинг қимматли жиҳатлари ўрганилиб, муроаса келингангина муаммо ечилиш ҳисобланади. Турри, муроасага келиш доимо анча вақтни талаб этади. Хозирги замон тараққиёти муаммоларни зудлик билан ҳал қилишни тақозо этмоқда. Япония жамиятининг асосида эса азалдан уйғунлик, гармония ётган. Ани пайтда жаҳонда кечаётган глобаллашув замонида бу парадоксиздир Япония жамияти олдидаги йирик муаммо бўлиб турибди. Яъни, Япония тараққиёт талаб этаётган суратларга жавоб бериши ва ривожланишдан ортда қолмаслиги учун жамиятда муроаса ва уйғунликни таъмин этувчи қадриятлардан кечиси керак бўлиб турибди.

Энг мураккаби — ўз қадриятларининг стандартлари билан жаҳон стандартлари номувофиқ келиб қолганида! Жаҳон ҳамжамияти қадриятларига ўз қадриятларининг қарши қўйиш жуда оғир.

Япония, ҳали айтганимдек, уйғунлик мамлакатидир. Японлар жамоа таркибиде ўзларининг барча юксак сифатларини намён ётишга қўнишган. Улар жамоадигина ўзларини қудратли сезиб, алоҳида ҳолда жуда ожиздилар. Фарбда эса индивидуализм ўз муваффақиятларига эришяпти. Бугунги тараққиёт унинг қобилиятини инсондан ўнта даҳо афзал эканини кўрсатапти.

Хўш менталитетни, қадриятларни ўзгартириш мумкинми? Бу қандай оқибатларга олиб келади? Оммавий ахборот воситалари замон талаб этаётган инсонни тарбиялашда жуда катта ўрин тутмоғи керак. Зеро, жамият олдидаги муаммо оммавий ахборот воситалари муаммосидир.


Амиркул КАРИМ

ЭЪТИҚОД СОТИЛМАЙДИ

этишга ҳаракат қилдилар. Ер юзиде динлар кўп. Уларнинг орасида Оллоҳ томонидан юборилган илоҳийлари ҳам, одамлар ўйлаб топган сохталари ҳам бор. Ислому проваслав ер юзиде кенг тарқалган илоҳий динлардир. Жами мусулмонлар бир миллиарддан, христианлар эса бир ярим миллиарддан ошади. Бундан ташқари индуистлар, буддистлар, ҳар хил секталар, шаманлар ва бошқа ўйлаб топилган динлар мавжуд. Ер юзидеги аҳолининг 876 миллиони ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишилар.

Жаҳондаги деярли барча давлатларда диний эътиқод эркинлиги қонун билан қафолатланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу ҳолат алоҳида моддада қайд қилинган. Кимнинг қайси динни қабул қилиши ихтиёрли-бу эътиқод эркинлигининг асоси. Мажбурийлик эътиқодга бутунлай ёт нарса. Зўрлаб, алдаб, мансаб-мартаба ваъда қилиб, пул бериб ёки миссионерлик йўли билан динга киритиш, бир диндаги кишини бошқа динга ўтказиш учун уриниш ноқонуний ҳаракат ҳисобланади. Умуман, бундай ҳолатлар эътиқод эркинлигининг моҳиятига ҳам зиддир. Машҳур боксчилар Мухаммад Али ва Майк Тайсон, дунё кезган сайёҳлар Тур Хейердал ва Кусто, Ойга қўнган биринчи астронавт Армстронг, машҳур кўшкчи Майкл Жексон Ислому динини ихтиёрли равишда қабул қилганлар, ҳеч ким уларга таъийқ ўтказмаган. Шу йил февраль ойида Қуват давлатида бўлганимизда, АҚШнинг Қўрақ шаҳридан келган бир гуруҳ журналистлар билан шу ҳақида сўхбатлашдим. "Бизда бу ҳол табиий ҳисобланади, биров-бирини бошқа динга ўттишга даъват қилмайди, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, ҳозир Чикагода бир миллиондан ортиқ мусулмон яшайди" дейишди улар.

Урта Осиёдаги мустақилликка эришган давлатларда биланоқ унинг жуда тақомиллашган замонавий босмаҳонада босилганлигига ишонч ҳосил қиласиз.



Хўш, катта маблағлар хисобига босиб чиқарилган бу нашрларда нималар ёзилган ва нима учун улар зарарли? Бу китоблар, эслатмалар, варақалар ўрта осиелик мусулмонларга мурожаат тарзида ёзилган эди. Яъни, уларда ислому динидан воз кечиб, проваслав динига кириш тарғиб қилинади. Проваслав дини бошқа динлардан устун деб улуғланади. Исо пайгамбар Мухаммад-пайгамбарга қарши қўйилади. Бу нашрларни хориждан яширин равишда олиб келиб тарқатаётганлар ўрта осиелик мусулмонларни йўлдан оздириши, улар ўртасида низо туғдириши, пул миллат эътиқодида икки динликни вужудга келтириши, умуман, мусулмон оламида парокандаликни юзага келтириши ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйилган эди. Шу жиҳатдан ҳам бу нашрларни ўқиш жуда зарарли, айтиш мумкинки, ўта хафели.

— Ота-боболари динига эътиқод қилувчи ўрта осиелик халқлар орасида юриб ўзга динларни тарғиб қилувчи бундай шахсларни халқаро терминда "миссионерлар" дейишади. Миссионерлар дастлаб Қозғистон ва Киргизистонда пайдо бўлганликлар ҳақидаги хабарни хорижий оммавий ахборот воситаларидан ҳамда ана шу давлатларга бориб келган юртдошларимиздан эшитган

пур, Филиппин, Эквадор ва бошқа давлатлардан гоҳида ишбилармон, гоҳида талаба, гоҳида ўқувчи сифатида, хуллас турли қиёфаларда кириб келаётган кишилар бу ердаги маҳаллий халқларни ўз дин ва тарикатларига тортишга уринганлар. Улар китоб, эслатма, варақа, телерадио ёзувлар ва магнитфон кассеталари тарқатиш билан тарғибот ишларини олиб боришган. Дастлаб Алматий шаҳрида дунёнинг турли ўлкаларидан келган миссионерларнинг расмий йўлбилан ўтган 1300 та мустақил ташкилотли фаолият кўрсатган. Кейинчалик бу ташкилотлар иши қатъий давлат назорати остига олинган.

Киргизистонда бундан уч-тўрт йил олдин миссионерлар сурбетлик йўлига ўтиб олишган. Жумладан, Бишкекнинг марказий майдонларида очик-ойдин тарғибот ишлари олиб боришган. Инглизча ва русчага яқин ўрганиб олишган Сингапур, Филиппин, Эквадор ва Тожикистондан келган қизлардан иборат махсус гуруҳлар пойтахтни туманлар бўйича бўлиб олишган. Қаерда мажлис ўтказилса ёки аҳоли гажвум жў бўлса, улар шу ерга кириб сурбетлик билан ўз максадларини тарғиб қилишган.

Албатта, инсонларнинг иймонини пул билан сотиб олишга бўлган бундай уринишлар кўпчиликтида ташвиш тундириши табиий. Ўзбекистонда тўқсонинчи йилларда Қозғистон ва

Ҳамкорлик

АМИНА КАМОЛ УБАЙД — ЎЗБЕКИСТОНДА!

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси вакилларидан иборат делегация Мисрга таширф буюриб, бу кўна юрт маданияти, санъати, шу соҳа намёндаларининг ижодкорлари билан яқиндан танишиб, ўзаро ҳамкорлик истикболлари ҳақида фикр алмашган эди. Кунчи кеча эса Мисрининг Хелуан университети санъатшунослик факультети устоз-домлакаридан ташкил топган жамоа Ўзбекистон Бадий академияси тақлифига биноан юртимизга келиб, бу ерда мисрлик ижодкорлар кўргазмасини уюштирдилар. Камалидин Бехзод номидеги Санъат ва дизайн миллий институти устоз ва талабалари билан учрашдилар. Уларни қизиқтирган мавзуларда маърузалар қилдилар. Шунлардан бири Хелуан университети санъатшунослик факультети профессори Амина Камол Убайд хоним томонидан ўқилган ва ўтмиш Миср маданиятида заргарлик санъати бағишланган маъруза бўлиб, у тингловчи устоз ва

шогирдларида катта қизиқиш уюғотди. Ингилганлар қизиқарли янги маълумотларга эга бўлдилар. Мисрлик оlima Амина Камол Убайд хоним таширф чоғида ўта нозик дид билан бажарилган уйма ва кўйма заргарлик буюмлари ҳамда қўлчилик санъатининг ноёб намуналари билан кўргазмаларда иштирок этди. Умуман таширф муваффақият-ли ўтди. Делегация аъзолари ўзларини бу ерга тақлиф қилган ва кутиб олган Ўзбекистон Бадий академияси масъуллари ҳамда таширф самарали бўлишига ўз улушини қўнган барча-барча Ўзбекистонлик биродарларга чексиз миннатдорчиликларини изкор эттиди. Маҳаллий ҳамкасбларини Мисрда бўй ўзбек маданияти ва санъатига бағишланган турли кўргазмалар уюштиришга дурлат этдилар. Тақлиф мамнуният билан қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

СУВ КЕЛДИ — НУР КЕЛДИ!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг лойиҳасига Қўрақ Коракалқистоннинг Тахтақўпри, Қўрақоз ва Бузотос туманларига 300 донна насос келтирилди. Энди маҳаллий аҳоли тоза ичимлик сувини истеъмол қиладиغان бўлади. Май охирига келиб, насосларнинг барчаси ўрнатилди ва бу чекка қишлоқда яшовчилар учун қулай имконият яратилди деганидир. Бир насос 5-6 оилага тўғри келади. У бир кеча-кундузда 2,5 куб метр сув етказиб бериш қувватига эга. Яқин кунларда сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топса ажабмас. "Хуррият"нинг ўтган йилги сонларидан бирида бу лойиҳа юзасидан битим тузилганини ёзгандик. Бугун унинг натижасини амалда кўриб, хурсандчиликдан бошимиз осмонга етди.

Шаҳруза МАТНАЗАРОВА

Табдир

ЕР БАЙРАМИ — ЭЛ БАЙРАМИ

22 апрель Ер кунига бағишлаб "ЭКОСАН" халқаро жамғармаси Тошкентда бир неча тадбирлар ўтказди. Тадбирлардан ўрин олган экофестиваль "Узэкспомарказ"да бўлди. Тадбирда жамғарма президенти Юсуф Шодиметов, Словакия элчиси Петер Юза, Республика давлат Ер қўмитаси раиси Эргашали Қурбанов ва бошқа сўзга чиққан ташкилот вакиллари йиғилганларни Ер байрами билан табриқладилар.

Ер байрамида ижодкор-ихтирочи болалар ташкилоти болалар ясаган машиналар кўргазмаси ҳамда "БИОЭКОСАН" Республика ёшлари-нинг ўқув-услубий мажмуаси вакиллари ўзининг балик, қуён, қаклик ва бошқа жониворлар ҳамда ўсимлик-лари билан қатнашдилар. Республикада Ер кунги байрами жамғарма ташаббуси билан Тошкент Давлат Аграр университетида учрашув, Республика Бадий академиясидаги "Инсон ва замин" расомлар кўргазмаси, радиомарафон ва Тошкентдаги "Янги ҳаёт" маҳалласидаги хашар каби тадбирлар бўлиб ўтди.

Дилнора АЗИМОВА

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир: Хуриш ДУСТМУХАММАД

Тахрир хайати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Нойим КАРИМОВ, Абдуқоҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амиркул КАРИМОВ, Абдуқаюм ИҮЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-роқам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Тахрират манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:

Яққа обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмаҳонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Топшириш вақти — 21.00
Тошириш вақти — 19.00
Буортма — Г

Муаллиф Фикри тахрират нукта назаридан фарқланганда эъза жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh. SAYDALIYEV

Эссе

МАРДЛИК ВА ХАЛОЛЛИК ШОҲСУПАСИ

Ўзбек кураши бўйича Осиё биринчилиги арафасида ёхуд... рақибни мувозанатдан чиқариш ва елкасини ерга теккизиш санъати

Кураш гилами. У кимгадир жуда чоққина, кимгадир катта туюлади. Бу майдон завқини тотиган полвон учун эса дунёнинг ўзидек беповён таассуротларга лиммо-лим. Тепадан, андекина олисдан қараган полвоннинг юракқинаси хапқириб кетади. Силлик, кафтингизни ё бетингизни кўйсангиз муздеккина, лекин бу муздек гилам қанчадан-қанча қайноқ олишувлар гувоҳи аслида! Олишайтганларнинг тафти, ҳакамларнинг, ишқибозларнинг нигоҳидан таралган ҳарорат киздириб юборади бу гиламни! Ҳар лаҳза, ҳар дақиқада бир полвоннинг тақдири ҳал бўлади бу майдонда! Сен ҳарчанд кучли бўлмагин, ҳар қанча ўз кучингга ишонма, тўшақда кечган ҳар лаҳза тақдирингни буткул ўзга кўчага рўпара қилиб юбориши мумкин!.. Ҳушёр бўл, бу гилам — ҳаёт-мамот гилами!

"Вертушка", "кочерок", "через мост", "бедро", "перевод в партер", "накат"... 60-йилларнинг охири, 70-йилларнинг бошларида гиламга чиққан классиклар учун оддий сўзларга айланган кетган эди, бу аталар! Ака-ука Аблаевлар, Рустем Казаков, Виктор Гришаев, Леонид Побережский, Ботир Турсунов... ўз вази тоифалари "кироллари" кўпчилиги эди. Пахлавон келбат Шавкат Шокиров, Ришад Набиуллин, Аббос Шодиев ва яна кўплаб ўзбек пахлавонларининг гиламга чиққанини кўрган кўз яшнар эди!

Юнон-рум курашининг бир афзаллиги, "батартбилги" шунда эдики, рақиб оёгиндан олмайди, белингдан кучади, қўлингни арқондек қўлга "боглаб" устидан ошириб отади, ўрни келса, устингга миниб олади. Лекин кураш-

кам курашда!! Мюнхенда бўлса керак, Олимпия биринчилигида 104 килолик немис полвони америкалик 178 килолик полвонни икки қўлидан тутиб туриб, ўзи боши билан "мост" ташлаб, рақибнинг елкасини ерга теккизгани асрга татиғулик галаба бўлган эди!




Александр Медведь, Александр Карелин сингари темир полвонлар кам келади дунёга, бу каби пахлавонлар ҳар қандай миллат ва халқ кўрғига кўр қўлади.

Дунёни мувозанат ҳикмати бошқаради. Мувозанатлар беҳисоб, аммо-лекин инсоннинг икки оёқ устида қад ростлаб туриши, юришидан кўра боқийроқ ва мукамалроқ мувозанат йўқ. Кураш мана шу мувозанатни бузиш демакдир!



Хозирги юнон-рум кураши илгари классик кураш деб аталарди. Таржима маъносидан билмадимиз, лекин классик деган сўз замирида мумтоз, яъни аслода, обхилак деган маънолар мужассам эди.

Хозирги кунда терма жамомизга бош мураббийлик қилётган Комил Фатхуллиннинг номи оғизга тўшаётган кезлар номи санаб ўтилган полвонлар — устозлару курашчилар кураш санъатини бирин-бирин тарқатишди. Левон Тедиашили, Роман Рурва, Али Алиевнинг номи билан боғлиқ рақибнинг курагини ерга теккизиш ҳадисини биз хаваскор курашчилар машғулотларида ўнлаб, юзлаб мартабала такрорланар, уша машғулотлардан бирор наф чиқарганлар - голиблик наҳидасини сурган, чиқара олмаган-



Хакам хуштаги чалинади, бир дақиқа танлаб эълон қилинади. Эҳ-е-е, бу дақиқа! Нафас ростлашга улгурмайсан, олишув суратини, йўсини таҳлил этиб улгурмайсан, мураббийнинг сўзлари қўлоққа ё кирди, ё йўқ. Икки қўлла тиззанга суяниб қолсан баъзан,

Ажабланманг, курашдан мурод — рақибни йиқитиш, йиқитганда ҳам унинг кураги тўшаққа тегадиган қилиб йиқитиш! Полвон ўзига ўхшаш, ҳатто вази ўзиникидан кўнра фарқланмайдиган ўзга бир полвонни икки оёқ мувозанатидан чиқариб, чаппа уриб ағдарса бас! Бунинг учун қўллар, билаклар, кафт мушаклари ишта киришади. Зеро, кимдир йиқитишинг ҳам ўзига яраша ҳадислари бор.

олаверади, чалаверади ҳам. Боксни-ку, кик-боксингни-ку, асти кўяверинг: "Ринг кироллари"ни битта қўймай кўрадиган бир муҳлис сифатида айтсам, бировнинг афт-башарасини уриб-ёриб ағдариш, юмшоқ қилиб айтганда, ёвузликдек туюлади... Классик кураш эса ундай эмас, унда белдан юқориси "ишлайди". Ҳадислар ҳам мумтоз, яъни шoirона тил билан айтганда, рақиб назокат билан... мувозанатдан чиқарилади!..

нинг сехри, жозибаси шундаки, мен рақибни "тутиб" олдим, энди истаганимча уни юмалоқ-ёстиқ қиламан деган одам янгилади. Ҳадисини билган полвон ҳатто рақибнинг остига тушиб қолган тақдирда ҳам "контр" ишлатади, шундай ишлатдики, бир лаҳзада, йўқ, лаҳзанинг ўндан бирида хозиргина теганга ҳурган рақибни чунчама ерга уриш мумкин!.. Шу боис тўшаққа "чилпарчин" қапишиб ётган ҳолатингда ҳам хушёр ва сергаксан, рақибни доғда қолдириб унинг оёгини осмондан қилиш учун чаптастик зарур! Унинг белидан, қўли аралаш буйидан тутиб "через себя" ташлашдан гўзали


шунда ҳам галабани кўзлайсан, рақибни ағдариш йўлини истаёсан. Кураш давом этади. Ҳар ким курашининг ўзи истасан, ўзи қўриб бўлган, ҳатто виждони-диёнати йўл кўйган даражадаги ҳалол ва тоза йўлни таллайди, бу йўлда голиблик наҳидасини суради.



Абдугани ЖУМА фотолари

Зеро, кураш мусобақасини ташкил этишининг озмунча таъвиши, озмунча югур-юғури борми! Бундай улкан ва нуфузли мусобақалар ташкил этишга, унга раҳбарлик ва ҳомийлик қилишга авваламбор, Юртбошимиз, қолверса, ҳомийлар ва фидойи жонқуярлар бosh-қosh бўлишмоқда.

Эркин курашда, самбода гўё ҳеч қандай қоида ёки чеклашлар йўқ, улар оёқдан ҳам



лар эса... ҳаётда ўзи шунақа: бирор ишни эплаганлардан кўра эпламаганлар кўпроқ бўлади...

Кураш эса ҳаётнинг ўзидек олишувлардан сира-сира чарчамайди: кимдир мумтоз йўллар билан, кимдир мутлақ эркин йўллар билан голиблик шоҳсупаси томон интилаверади! Буни қарангки, отамиз ўзгаларга чил беришни ўргатмаган эди, кураш борасидаги мураббийларимиз ҳам олишувнинг чинакам классик ҳадисларинигина ўргатишди. Вақоланки, пинҳона чил бериб голиблик наҳидасини сурган

Бу ёқда журналистлар ҳам қараб ўтиришгани йўқ, гиламдаги, унинг теварагидаги барча-барча воқеа-ҳодисалар журналистларнинг зийрак нигоҳидан четда қолмайди. Кураш давом этади, ўзбек кураши, юнон-рум кураши энг тараққий этган мамлакатлар даражасидан кам бўлаётгани йўқ.

Инсон ҳаёт экан, кураш давом этади, олишув ҳадислари замонага ҳамоҳанг тарзда хилма-хиллашиб бораверади, бу ҳадисларни эплаган-эгаллаган полвон шоҳсупадан тушмайди... Х.НАБИ

Назм

БУХОРО БАҲОРИ

Баҳор чоғи Бухоронинг ясанган боғлари яхши, Хусусан оби раҳматлар ёзилган чоғлари яхши. Кизилқум чўлларин атри келур Жилвон тарафлардан, Очиб кўкракни елларга демоқ "оҳ-оҳ"лари яхши. Осори кўна тарихнинг тугал афсона Шахристон, Сомеъ бўлсанг Ховуз қирғоғида "Чоргоҳ"лари яхши. Утар кизлар бу ердан бир-бирдан дилбару хушрўй, Сенга — боқмоқ, уларга — боқмайин бормоқлари яхши. Келур нозбўй ҳиди ҳар хонадон, ҳар кўчаю кўйдан, Яна меҳмонга ноз қилмайи ошим очмоқлари яхши. Агар келсанг йироқдан хорибон, оғирлашиб тоғдек, Кетарсан қуш каби енгил, чигил ёзмоқлари яхши. Ҳаёл қилма Бухорони баҳорда яхши бўлғай деб, Зимистония жавзоси, тирамоқ чоғлари яхши. Ҳазал битсам Бухоронинг баҳори босабаб, дўстлар, Ани булбул қилибдур ёд, қаранг, сайроқлари яхши. Хуш келдинг эй баҳорим, ажиб таронадирсан, Янгар қўлимда торим — куйлар озмонадирсан. Қутлуг бўлсин қадамлар, дилдан кетди муз, намлар, Нақадар хуш бу дамлар, шодликка дойдирсан. Бир қиз ёшида ёшинг, лабинг гул, майса — қошинг, Бошинг узра қуёшинг — шундай жононадирсан. Кечиб она Жайхуни, кўзлаб она Сайхуни, Жаннат этиб бу юртни, товус равонадирсан. Берганларнинг гул бўлди, ёмғирларинг мўл бўлди, Диллар гамдан хур бўлди, бир саҳий онадирсан. Кетдик адир-қирларга, оёқ етмас ерларга, Кўкрак очик елларга — соҳир фасонадирсан. Шодон тенгу тўшлар ҳам, жуфт-жуфт бўлиб қушлар ҳам, Яйраб сайралар хуррам — зур шодинадирсан. Ҳар куним бўлса Наврўз, дил яшаб, қувнаса кўз, Ва янграша ширин сўз — ўзинг баҳонадирсан. Яна бордир уч фасл, бири биридан асил, Аммо асилдан асил ўзинг — шоҳонадирсан. Сулаймон ШОДИЕВ

Bolalar burchagi

SEHRLI CHIROQ

Bir bor ekan, bir yo'q ekan. Iblis azal-azaldan insonga dushman ekan. Kunlardan bir kun u bir yumalak ilonga aylanibdi-da, qorong'u g'orda uchta tuxum qo'yibdi. Uch tuxumdan uchta iloncha chiqibdi. Iblis ularning biriga Nafs, ikkinchisiga Hasad, uchinchisiga esa Jahl deb ism qo'yibdi. Ular sira ajralmas, doimo bir-birlariga chirmashib yashar ekanlar. Asta-sekin ilonchalar o'sib, tanalari tutashib ketibdi. O'sib-ulg'ayib, naqd uch boshli ajdahoga aylanishibdi. Iblis endi ularning uchalarini ham Jaholat degan bitta ism bilan atay boshlabdi. Ajdahoga ulg'aygan sari nafs kattalashib boraveribdi. Shu paytgacha unga xo'rak bo'lib kelgan g'ordagi ko'rshapalaklar endi Jaholatga kifoya qilmay qolibdi. Shunda u onasiga: — Ko'rshapalak go'shti me'damga tegib ketdi-ku, dunyoda bundan boshqa mazaliroq ovqat yo'qmi? — deb xarxasha qilibdi. — Bor, bolajonim, judayam bor-da! — erkalabdi onasi. — U nima ekan, keltirib ber, — debdi Jaholat. — Dunyodagi eng shirindan-shirin taom — aqli odamlarning miyasi, —

maqsadga ko'chibdi Ublis. — Voy, uning turgan-bitgani qatig degandig-ku, qatigida qanaqa lazzat bo'lsin? — E, bolam-e, qatig bu nodonlarning miyasi. Dono odamlarniki naq qaymoqdek bo'ladi, erkatoyim. Shu subhatdan so'ng Jaholatning judayam qaymoq yegisi kep qolibdi. Ona-bola ikkalovlari maslahatlashib ushbu mamlakatning podshohiga quyidagi xatni yozishibdi: "Ey podshoh, agar saltanatim tinch, davlatim omon bo'lsin desang, Temirtog' etagidagi qorong'u g'orga har hafta bitta eng aqli odamni qurbonlik uchun jo'natib turasan. Aks holda saroy-paroying bilan qo'shib asfalasofilarga jo'nataman. Mabodo aldayman deb xomtama bo'lma. Senga dahshat bilan AJDAH". Xatni yugurdak ko'rshapalak qosh qorayishi bilan saroyga yetkazibdi. Ochiq derazadan kirib, uni podshohning taxti oldiga tashlabdi-da, ura qochibdi.

Podshoh bu kutilmagan hodisadan hang-mang bo'lib qolibdi. O'ziga kelib, xatni ochib o'qib ko'ribdi-yu, dahshatga tushibdi. Nega desangiz, u faqat o'ziningina mamlakatdagi eng aqli odam deb hisoblar ekan-da. Shundoq bo'lganidan keyin, ajdahoga ham birinchi bo'lib o'zini qurbon qilishi lozimligini o'ylab, eti uvishib ketibdi. Ammo u bu gapning yolg'onligini ham bilarkan. Shuni eslab, biroz chehrasi ochilibdi. Chunki saltanatdagi eng aqli kishi uning Dono vaziri ekan. Podshoh doimo shu vazirining maslahati bilan ish qilar va yo'lida hech qachon adashmagan ekan. Ba'zan a'yonlar va fuqarolar o'rtasida Dono vazirining obro'si ortib borayotganini ko'rib: "Qaysi kun shu vazir mening taxtimni tortib oladi-yov", — degan shubha va gumonlarga ham borar ekan. Xullas, ajdahoning talabi bahona bo'lib, podshoh bir yo'lga Dono vaziridan ham qutulishga qaror qilibdi. U Dono vazirini huzuriga chaqirib, xatni ko'rsatibdi-da,

yig'lamsirab debdi: — Ey, vazirim, xatdan voqif bo'lding. Saltanatimda sendan bo'lak eng aqli odamim yo'q. Menga qanday maslahat berasan? Dono vazir podshohning nima demogichi ekanligini ko'zidan uqib olibdi va javob qilibdi: — Ey, podshohi olam, siz uchun bitta emas, mingta jonim bo'lsa ham qurbon qilishga hozirman. Agar saltanat tinchligi mening hayotim ustiga tikilgan bo'lsa, qurbon bo'lmoqqa tayyorman. Xudoyberdi KOMILOV, Urgut tumanidagi "Iqbol" lisey-maktabining ona tili va adabiyot o'qituvchisi (DAVOMI KELGUSI SONDA)

Умрингузга барака!

ТОҲИРЖОННИ ҲАММА ТАНИЙДИ

Фаргоналик дилкаш журналист, сураткашликнинг ривожланишига салмоқли хисса қўшган Тоҳиржон Ҳамроқулов шу кунларда ўзининг 50 ёшини нишонламоқда. Ижодий фаолиятини 70-йилларнинг бошида бошлаган Т.Ҳамроқуловнинг илк сурати Бағдод туманидаги собиқ "Авангард" (ҳозирги "Бағдод ҳаёти") газетасида чоп этилганда қанчалар қувонганини ҳис этишингиз мумкин. Хали туман газетасида ишлаб турган сураткашликчи "Ота ва ўғил" қаҳрамонлар" деб номланган сурати 1976 йили собиқ Иттифокнинг марказий матбуот органи "Правда" газетасида босилганда кўпчилик хайрон бўлган бўлса ажабмас. Тоҳиржон катта матбуот майдонига ана шундай дадиллик билан кириб келгани муҳтарам газетанинг ёдидан кўтарилади йўқ.



Т.Ҳамроқуловнинг матбуотда ишлаётганига 30 йилдан ошмоқда. Бу йиллар мобайнида унинг ўз устида ишлашини, билим ва малакасини мунтазам ошириб боришини қузатдик. У 80-йилларда Фаргона Давлат университетининг тарих факультетида тахсил олди. Айна чоғда каламини ҳам чарқлаб борди. Халқимизнинг асл ўғлонлари ҳақида "Фаргона фарзанди", "Канал оқавради" номли бадиий ҳужжатли асарларини чоп эттирди. Бу асарларда элим деб, юртим деб матонат билан меҳнат қилган азамат ўзбек фарзандлари ҳақида хикоя қилинади. Айнан ана шу китобларга илова қилинган суратлар ҳам Тоҳиржоннинг ҳаётни зукколик билан қузатиб боришини, бадиий маҳорати тақомилга етиб бораётганини кенг оммага намойён этади.

Рўй-рост таъкидлайдиган бўлсак, Т.Ҳамроқуловнинг ноёб истеъдодлари айна мустақиллик йилларида ўзини кўрсата бошлади. Дастлаб истиқлол берган имконияتلардан ўринли фойдаланиб Республикада биринчилардан бўлиб, Бағдод туманида журналистлар уюшмасининг кичик қорхонасини ташкил этди. Кейинчалик бу маскан Ижодкорлар уйига айлантирилди. Бу ерда олиб борилаётган кенг кўламли маънавий ва маърифий ишлар, турли тадбирлар эл оғизга тушмоқда. Айниқса, Фарғонамизнинг таниқли қаламкашлари Абдулла Мирзаев, Абдам Ҳамдам, Мамадали Муродов хотирасига вилоят журналистлари учун совринлар ташкил этилгани хайрли ишлар жумласидандир.

Тоҳиржоннинг ташкилотчилик ва ташаббускорлик хислатларини ҳамма билади. У мамлакатимизда биринчи бўлиб 1996 йили "Бағдод" хусусий телевидениесини очди. Маҳаллий телевидениенинг бугунги таъсирчан кучи мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодийтимизни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, халқимизнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлаш борасидаги эзгу ишларга йўналтирилгандир.

Дарҳақиқат, бу каби хайрли юмушларни бажариш Т.Ҳамроқуловга осон бўлмагани кўпчиликка маълум. Дастлаб "Бизнес-фонд"нинг Фарғона вилояти бўлимидан 5 миллион сўм кредит олиди. Ана шу маблағ эвазига телевидениенинг моддий техника базаси яратилди. Яна қанча югур-юғурлар! Лекин ҳаммаси ҳам бугун ўз мевасини бермоқда. Бағдод маҳаллий телевидениеси кўрсатувларини минглаб телетомошани орқиб кутадиган бўлиб қолишган. Айниқса, матбуот нашрлари ҳамма хонадонга ҳам кириб бормаётган бугунги шароитларда телекўрсатувда марказий ҳамда маҳаллий нашрларнинг матбуот шарҳлари мунтазам бериб борилаётди.

Тоҳиржон 1991 йилдан республикамизнинг отахон наشري бўлиши "Халқ сўзи" газетасининг махсус фотомуҳбири. Уни бугун Хоразмда, эртага эса Андижонда учратасиз. Тахририят топшириғи, юрак ундои билан бугун мамлакатни кезади. "Халқ сўзи"нинг ҳар бир сониди Т.Ҳамроқулов имзоси билан чоп этиладиган суратлар, илгирлар шаънига битигилар жозибалиги билан ажралиб туради.

Тоҳиржон кўп йиллар Бағдод туман кенгаши депутати сифатида фаолият юритиб, эл қалбидан ўрган олган эди. Шунинг учун тумандошлари иккинчи қаҳриққ Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларда унинг номзоди учун овоз беришди. Бугун у халқ ишончини қозониш учун фидокорона меҳнат қилаётган депутатдир. У сайловчиларнинг талаб ва истаklarини рўёбга чиқариш йўлида тинмай изланади. Мана, халқ ҳурмат-эҳтиромига муйassar бўлган ажойиб инсон Тоҳиржон Ҳамроқуловнинг фикри ёди яна яратилиш ва бунёдкорлик ишларини сойбатқадамлик билан давом эттиришдадир, десак муболага қолмаган бўламиз. Айна чоғда унинг ёнида сафдошлари, кўплаб шоғирдлари ҳамқору ҳамфикр, яқин кўмақдошдир. Абдор ОРИПОВ

ШАЪРИК

Муҳтарам Ақром ака Рашидбеков!

Қутлуг 55 ёшингиз муборак бўлсин! Илоҳим, узоқ умр кўринг, кўнглингиздаги барча эзгу истақларингиз амалга ошсин. Оилангиз ҳамда яқинларингиз бахтига доимо соғомон юринг. Талабалар шаҳарчасидаги 3-талабалар уйи магистрлари ЭЪЛОН Низомий номидаги педагогика институти томонидан Минаввархон ЮЛДАШЕВА номига берилган 926612-сонли (1986 йил) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Утеренный патент 0110542 выданный хожимятон Ахмад-Икрамовского района на имя Шамсутдиной Шохиды Бурхановны считать недействительным.